
ТУМАНИМИЗДА МОНО-МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизларни касбга қайта тайёрлашга зарур шароитлар яратилмоқда.

Бугун Бувайда педагогика коллежи бўш турган биносининг бир қисмида моно-марказ, яъни ҳудуддаги ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўргатиш маскани очилди. Унда эркаклар ва аёллар сартарошхонаси, дурадгорлик пазандачилик, тикувчилик сингари бешта касбга ўргатиш йўлга қўйилган. Бунинг учун етарли асбоб-анжомлар келтирилиб, ўрнатилган.

Марказ йилида мингдан ортиқ кишини ўқитиш имкониятига эга.

Мазкур марказнинг очилиш маросимида вилоят Молия бошқармаси бошлиғи Восилжон Назаров, Бандликка қўмаклашиш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳолиқов ва туман ҳокими ўринбосари Ҳамидулло Исақулов, туман прокурори Шерзод Миржавҳаров, туман ИИБ бошлиғи Рустам Хайитовлар қатнашдилар. Улар марказда яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, уста ва касб ўрганаётган ёшлар билан суҳбатлашдилар.

Бувайда тумани ҳокимлиги ахборот хизмати.

2020-11-20 11:33:39